

ХАЛҚ ҰЙИНЛАРИНИНГ ҰРГАНИЛИШИ: ТАРИХИЙ ЭТНОПЕДАГОГИК ТАҲЛИЛ

Йўлдошев Салимжон Валиевич

Фарғона давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

E-mail: salimjonyoldoshev46@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола халқ ўйинлари ҳақидаги маълумотлар тарихий манбалар, археологик ва этнографик, педагогик материаллар ҳамда кўплаб илмий адабиётлар, мақолалар, ҳисоботлар масаланинг тарихишунослиги ҳамда манбашунослигининг умумий манзараси фонида даврий-хронологик жиҳатдан алоҳида масала сифатида эътибор қаратилган.

***Калим сўзлар:** Тарихий, этнографик, филологик, фалсафий, педагогик, географ-сайёҳлар, ҳарбий хизматчилар, савдогар, этнологик, ўйин, тарбия, урф-одат, минтақа, хўжалик анъанаси, турк маданияти*

STUDYING FOLK GAMES: HISTORICAL AND ETNOPELAGOGICAL ANALYSIS

Yuldoshev Salimjon Valievich

Doctor of Philosophy in History (PhD), Associate Professor,

Department of History of Uzbekistan, the Fergana State University.

salimjonyoldoshev46@gmail.com

ABSTRACT

The article presents information about folk games on the basis of historical sources, archaeological, ethnographic, pedagogical materials and numerous scientific literature, articles, reports on the background of the general picture of historiography and source study as a periodic-chronological problem.

Keywords: *Historical, ethnographic, philological, philosophical, pedagogical, geographic-touristic, military, merchant, ethnological, game, educational, customs, region, economic tradition, Turkic culture*

КИРИШ

Марказий Осиё қадимги тарихий-маданий минтақаларидан бири бўлиб, аҳолиси ҳам ўтроқ, ҳам кўчманчи цивилизацияларнинг энг илғор тажрибаларини ўзига сингдириб ва синтезлаб олган ва ўзига хос маданиятга асос солган. Ўзбек халқининг номоддий маданий мероси негизида халқ ўйинлари тарихий, этнографик, филологик, фалсафий, педагогик нуқтаи-назардан ўрганилган. Шу билан биргаликда халқ ўйинлари ҳақидаги маълумотлар тарихий манбалар, археологик ва этнографик материаллар, архив ҳужжатлари ҳамда кўплаб илмий адабиётлар, мақолалар, ҳисоботларда акс этган.

Халқ ўйинлари тарихшунослигининг умумий манзараси фонида адабиётларни даврий-хронологик жиҳатдан ёндашган ҳолда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб уч тарихий даврга ва хорижий муаллифлар ишлари ҳамда манбашунослигига алоҳида масала сифатида эътибор қаратиш лозим.

Марказий Осиё қадимий тарихи, маданияти, ранг-баранг этник таркиби, бой этнографияси билан тадқиқотчиларнинг эътиборини доимо ўзига тортган. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Марказий Осиё, жумладан, Фарғона водийсига Россия империяси ва хорижий давлатлардан юзлаб географ-сайёҳлар, ҳарбий хизматчилар, савдогар ва айғоқчилар келиб, бу ҳудуддаги

аҳолининг этномаданий ва хўжалик ҳаёти билан боғлиқ жиҳатларга қизиққанлар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маҳаллий халқнинг урф-одат, удум, маросимлари, кундалик турмуши ҳақида хотира, эсдаликларни ёзиб қолдирганлар ёки асар ва мақолаларида қизиқарли маълумотларни келтирганлар.

Марказий Осиё Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг, рус тадқиқотчилари ўлкани этносоциал, этнопедагогик хусусиятларини ўрганишга жиддий эътибор қаратиб, илмий асосланган маълумотлар тўплашга эришганлар. Тадқиқотлари уларнинг кўзланган асосий манфаатларига йўналтирилган бўлса-да, маҳаллий халқлар этнографиясига оид бой маълумотлар олиш мумкин. Бу ўринда А. Миддендорф, В.В. Вельяминов-Зернов, А. Шишов, А.П. Хорошкин, В. Фирсов, Н.Ф. Ситняковский, А.И. Брянов, А. Диваев, А. Касаткин, А.Е. Кушакевич, П.Е. Кузнецовлар борган илмий текширишларни қайд этиш мумкин[1] Уларнинг тадқиқотларида Фарғона водийси аҳолиси кундалик турмуши ва урф-одатларида халқ ўйинлари, улоқ, от парваришlash билан боғлиқ маълумотлар келтирилган. Айрим муаллифлар болалар ўйинлари ҳақида ҳам маълумот беришган. “Туркистон тўплами”[2: Том 501, 510.]даги мақолаларда водий аҳолисининг йилқичилик хўжалигига бағишланган айрим мақолалар мавжуд, лекин уларнинг муаллифлари маълум эмас.

Собиқ Совет даврида олиб борилган тарихий ва этнографик, этнопедагогик, ижтимоий-гуманитар фанлар тадқиқотларида минтақа халқларининг миллий-этник анъаналари, урф-одат ва маросимлари, моддий ва маънавий маданияти билан бир қаторда халқ ўйинларини илмий жиҳатдан ўрганиш масалаларига ҳам бир қадар эътибор қаратила бошланди. Собиқ Совет

иттифоқи халқлари, хусусан, ўзбек халқ ўйинлари масалаларига бағишланган қатор тадқиқотлар яратилди, мақолалар ва монографиялар чоп этилди.

Собиқ Совет даврида халқ ўйинларига бағишланган тадқиқотларнинг дастлабки босқичи 1920 йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган, деб ҳисоблаш мумкин. Бундай ишлар минтақавий ва ҳудудий характерга эга бўлиб, мазкур йўналишда Е.М. Пешерева, В.В. Бартольд, Н.Н. Пантусов[3:] каби олимларнинг ишларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу тадқиқотларда Туркистон ўлкасининг ўтроқ ва кўчманчи аҳоли орасида кенг тарқалган табиат билан боғлиқ халқ ўйинлари, уларнинг тарихий-этнографик асослари ҳақида илмий фикр-мулоҳазалар билдирилган. Ушбу муаллифларнинг ишларида ўзбек халқининг урф-одатлари билан боғлиқ тўй маросимларида уюштириладиган улоқ (кўпкари) ўйинлари, байрамларда (ҳосил байрамлари, гул байрами ва ҳакоза) ўтказиладиган ўйин турлари, уларнинг моҳияти, тарихий илдизлари ҳақидаги муҳим илмий маълумотлар, хулосалар берилган.

Бу даврда собиқ Совет иттифоқи халқлари, жумладан, қозоқ, қирғиз, белорус халқлари ўйинларига бағишланган тадқиқотлар А.Р. Таникеев, Я.Р. Вилькин, Г.Н. Симаковлар[4:] томонидан олиб борилдики, уларда совет мафкураси таъсири кучли бўлса-да, халқ ўйинларининг этнохудудий хусусиятларига оид муҳим илмий хулосалар берилган. Тадқиқотчи А.Р. Таникеев қозоқларнинг миллий спорт ва халқ ўйинларининг тарихий асослари, этник-худудий омилларига эътибор қаратган бўлса, Я.Р. Вилькин ўзининг тадқиқотида белорус халқ ўйинларини тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этган. Г.Н. Симаков эса қирғиз халқ ўйинларининг ижтимоий функцияларини очиб бериб, уни тарихий-этнографик жиҳатдан таҳлил этган. Бу тадқиқотлардан халқ ўйинларининг шаклланишида этник, локал, хўжалик омилларининг ўрни масалаларини ёритишда фойдаланиш мумкин.

НАТИЖАЛАР

Мустақиллик даври тадқиқотлари урф-одат ва анъаналарнинг тикланиши жараёнида ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданияти, бой маданий меросини илмий жиҳатдан ўрганиш масалалари долзарб аҳамият касб эта бошлади. Айниқса, халқ ўйинлари, уларнинг локал-худудий ва умумий хусусиятларини ўрганишга бўлган эътибор мустақиллик йилларида яна-да кучайиб тарихий, этнографик, археологик, педагогик йўналишдаги тадқиқотларда ўз аксини топа бошлади.

Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб халқ ўйинларининг миллий спорт турларини тиклаш, аҳолининг жисмоний маданиятини шакллантириш, ёш авлодни жисмоний баркамол этиб тарбиялашда бу ўйинларнинг аҳамияти ва ролини ёритиб беришга бағишланган илмий анжуманлар ўтказилди. Жумладан, Жиззах, Фарғона, Термиз[7:] шаҳарларида халқ ўйинларига бағишланган фестиваллар ва илмий анжуманларнинг ўтказилиши уларни тиклаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб эта бошлади. Ушбу анжуман материалларидан мазкур ишнинг мазмунини очиб беришда кенг фойдаланилди.

Халқ ўйинлари, томошалари масалалари борасида этнологик, санъатшунослик йўналишларида олиб борилган илмий тадқиқотларда ҳам бу борада муҳим маълумотлар билан танишиш мумкин. Истиқлол йилларида мазкур йўналишда Т.С.Усмонхўжаев, И.Р.Абдурахмонов, В.Б.Хақлиев, А.А.Саримсоқов, С.В.Йўлдошев[8:]лар йирик тадқиқотлар олиб бориб, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

МУҲОКАМА

Шунингдек, ўзбек болалар ўйинларини адабий жихатдан тасниф қилишга бағишланган филологик тадқиқотлар ишида[9: 168-б.] республика миқёсидаги, шунингдек, вилоят ва туманлар, жумладан, Фарғона водийсидаги болалар ўйинларининг бадиий талқини берилган, бироқ унда Фарғона водийси халқ ўйинлари, уларнинг этнотарихий таҳлили эътибордан четда қолган. Таъкидлаш жоизки, муаллифлар халқ ўйинларини комплекс ўрганишга эмас, балки фақат ўзбек болалар ўйинлари таснифи ва поэтикасига асосий объект сифатида қараган.

Шунингдек, аҳоли орасида оммавийлашган халқ ўйинлари, жумладан, улоқ (кўпқари) ўйини ва от билан боғлиқ пойга, қиз қувди, кўноқ бериш каби удумлар ҳақида турк олими Бахаиддин Ўгелнинг “Турк маданияти” [15: 786-б.] китобида муҳим маълумотлар берилган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, умуман туркий халқларга хос бўлган бу каби халқ ўйинлари анъаналарининг аналогик манзарасини Фарғона водийси халқ ўйинларида ҳам кузатиш мумкин. Ўзбекистонда халқ ўйинлари масалалари тарихий, этнографик, археологик ва бошқа ижтимоий фан йўналишлари доирасида олиб борилган тадқиқотларда маълум даражада ёритилган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, шу билан биргаликда даврий матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолалар ҳам мавзу учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ўзбек халқ ўйинларининг тарихи, этнографияси, этнопедагогикасига доир кўплаб қимматли маълумотлар, илмий асосдаги фикр-мулоҳазалар турли даврларда яратилган илмий, илмий-оммабоп мақолалар, асарларда ўз аксини топган. Бугунги кунда халқимизнинг маданий меросини сақлаш ҳамда уни яна-да ривожлантириш, ёш авлоднинг тарихий тафаккурини шакллантиришда бу мавзунини илмий жихатдан янада чуқурроқ ўрганиш давр талабидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Миддендорф А. (1882) Очерки Ферганской долины. – Спб., – 10-329; Туркестанский сборник. 1882. Т.431. – 161-163; Вельяминов-Зернов В.В. (1886) Сведения о Кокандском ханстве. // ВРГО ч.XVIII КН. 5. – Спб. – 124.; Шишов А., Хорошкин А.П. (1882) Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – Спб.; Шишов. А. Сарты.(1904) / Этнографическое и антропологическое исследование. Ч. I. Этнография. – Ташкент: – 225-226; Фирсов В. (1895) Туркестан и Туркестанские породы лошадей. / Туркестанский сборник. Т.479. – 218; Яна у: Сарты. / Этнографическое и антропологическое исследование. Ч. I. Этнография. – Ташкент: 1904; Ситняковский Н.Ф. (1900) Перечисление некоторых родов киргиз, обитающих в восточной отдела русского географического общества. Вып.1. – Ташкент: Т.2. – 28-39; Бряннов А.И. (1901) На память о Фергане 1876-1901 гг.. – Новый Маргелан. – 31; Диваев А. (1907) Древние игры киргизской молодёжи. // Туркестанская ведомость. – №54;
2. Коневодства Туркестана.(1909) / Туркестанский сборник. Т.501,510.
3. Пещерева Е.М. (1925) Некоторые игры среди оседлого населения Туркестана. // Бюллетень САГУ. Т.2. – 82-98.; Бартольд В.В. (1927) Сборник сочинения. – М. Т. II. – 374-383.;
4. Таникеев А.Р.(1961) Развитие казахских национальных видов спорта и игр с периода присоединения Казахстана к России до Великой Октябрьской Социалистической Революции (с 30х г. XVIII столетия до 1917.): Автореф. дис... канд. пед. наук. – Л. – 25.
5. Симаков Г.Н. (1984) Общественные функция киргизских народных развлечений в конце XIX начале XX вв.(историко-этнографические очерки). – Л.: Наука. – 176-189.
6. Алпомиш ўйинлари (халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини ривожлантириш муаммолари).// Илмий амалий анжумани материаллари. –

Термиз. – 109.; Алпомиш халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини ривожлантириш муаммолари. (2000) // Илмий амалий анжумани маърузалари матнлари. – Фарғона. – 256.;

7. Усмонхўжаев Т.С., Хўжаева.Ф. (1990) Минг бир ўйин. – Тошкент: Ибн Сино. – 279.; Абдурахманов И.Р. (1997) Узбекские народный игры и представления (XX век южный области Узбекистана). Автореф.дис...канд. пед. наук. – Тошкент. – 29 с.; Йўлдошев С.В., Жўраев Н. (2002) Улоқ, шижоатли ва жасур суворийлар ўйини. – Фарғона. – 46.; Йўлдошев С.В.(2019) Фарғона водийси аҳолисининг халқ ўйинлари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). дисс. қўлёзмаси. – Тошкент. – 168.; Salimjon Yuldoshev. (2019) The historical roots of the mythology of popular games fergana valley// European journal of research. № 2, February. 182 – 186.; Salimjon Valievich Yuldoshev. (2021)"Pedagogical Analysis And Methodology Of Children's Games"// The American Journal of Social Science and Education Innovations. Published: November 30: 36-40. <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03> Issue11-06.; Salimjon Valievich Yuldoshev. (2021) "Pedagogical Analysis And Methodology Of Children's Games"// The American Journal of Social Science and Education Innovations. Published: November 30. 36-40. Volume 03 Issue 11. <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03> Issue11-06.; Salimjon Valievich Yuldoshev.(2021) Mythological representations associated with folk dances// Vol 11, Issue 11, November.; Yo'ldoshev Salimjon Valievich. (2021)Uloq – ko'pkari o'yinlari tarixidan/ pedagogical sciences and teaching methods / – PART 8 /Collection of Scientific Works. Copenhagen "Science Edition" 15 December. 11 – 18 p.; Yo'ldoshev Salimjon Valievich, Omonov Azamatjon. (2021)Отлар тарихига оид тарихий тадқиқотлар таҳлили. //Formation of psychology and pedagogy as interdisciplinary sciences: a collection scientific works of the International. scientific conference (13 December). 36 – 40.

8. Қорабоев У. (:2002.)Ўзбекистон байрамлари. – Тошкент,– 240 б.; Галиев Ш. (1998.)Ўзбек болалар ўйин фольклорининг таснифи ва поэтикаси. Филология фанлари номзоди... дисс. қўлёзмаси. – Тошкент,– 168.